

## МЕҲР КЎРСАТИШ УЛУҒ ФАЗИЛАТ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 17-январдаги 26-сонли қарорига асосан, чин ётим ҳамда ота-онасининг қарамоғисиз қолган болаларнинг моддий рағбатлантириш, уларнинг истак ва хоҳишларини амалга ошириш мақсадида "Меҳр дафтари" платформаси яратилган. Ушбу платформага киритилган ота-онасиз ва улар қармоғисиз қолган болаларнинг ижтимоий ҳаётдаги фаоллигини таъмирлаш, эркин яшашлари ва билим олишлари, ўз имконият ҳамда иқтидорларини намоён қилишлари учун қўллаб -қувватлаш чора-тадбирлари кўрилмоқда.

Жумладан, Олтиариқ туманидаги "Меҳр дафтари" га киритилган болалар ҳам туман ҳокимлиги ва ҳукуматимизнинг доимий диққат марказида.

Туман ҳокими, Болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш комиссияси раиси Ш. Турдалиев, туман ҳокимлиги қошидаги Болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Шўъбаси мудирини А. Эргашевлар иштирокида уч нафар ўқувчи-болаларга "Меҳр дафтари" платформаси жамғармаси маблағлари ҳисобидан Ноутбук - компьютер жамланмаси топширилди.

Бундан ташқари ҳокимлик томонидан ота-онасиз ва улар қарамоғисиз қолган болаларнинг таълим-тарбия олишлари, ўз лаёқат ва қизиқишлари бўйича қўшимча машғулотларга жалб қилиш юзасидан тизимли ишлар йўлга қўйилган.





2022-10-07 18:03:58